

ISSN 2091 – 5616

# AGRO ILM

**Махсус сон**

Илм бўлмаган жойда, изланиш бўлмаган жойда  
ҳеч қандай соҳада ривожланиш, юксалиш ва  
умуман ушбу соҳанинг келажаги бўлмайди.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**





<b>А.БОРОТОВ.</b> Кўк пояли ем-хашак экинларини майдалаб озуқа тайёрлаш қурилмасини ишлаб чиқишнинг аҳамияти .....	54	<b>А.БАБАЖАНОВ, Х.АБДИВАЙТОВ, Б.ХАЛИЛОВА.</b> Худудларни мажмуали ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда кадастр тизими .....	76
<b>А.ДУСКУЛОВ, Х.МАХМУДОВ.</b> Картошка экиш машинасининг тортишга қаршилиги .....	55	<b>С.АБДУРАХМОНОВ, А.ЖЎРАЕВ.</b> Демографик жараёнларни башоратлаш карталарини ишлаб чиқишда инновацион ёндошув .....	77
<b>Б.ХУДАЯРОВ, У.КУЗИЕВ.</b> Тупроқни улоқтириш масофасининг ишчи орган ўлчамларига боғлиқлиги .....	56	<b>Ў.ИСЛОМОВ, Д.АБДУРАХМОНОВА.</b> Каналлар қурилишида геодезик ишлар .....	78
<b>М.ШОУМАРОВА, Т.АБДИЛЛАЕВ.</b> Сомон прессласгични бевосита ғалла комбайни билан агрегатлаш .....	57	<b>Ў.МУХТОРОВ.</b> Экинларни оқилона жойлаштириш асосида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш .....	80
<b>А.МУРАТОВ, И.ХУДАЕВ, О.МУРАТОВ.</b> Грунт ўзанли суғориш тармоқларида сув шимилишига қарши қопламалар ҳосил қилиш янги технологияси .....	58	<b>А.ИНАМОВ, Ж.ЛАПАСОВ, З.МАМАТКУЛОВ.</b> GPS навигаторлари ёрдамида мақбуллаштириш ишларини амалга оширишда эришиладиган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари .....	81
<b>М.ХАЖИЕВ.</b> Сув исрофини камайтириш мақсадида КЗУ-0,3Е русумли каналқазгич конструкциясини такомиллаштириш .....	60	<b>Ю.УСМАНОВ.</b> Деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни рекультивация қилиш чораларининг худудий дастурини ишлаб чиқиш .....	82
<b>У.КУЗИЕВ, Б.ХУДАЯРОВ.</b> Суюқ органик ўғитни локал қуядиган ишчи қисм параметрларини аниқлаш .....	61	<b>А.МУҚУМОВ, З.ХАФИЗОВА.</b> Ер бозори ва унинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар .....	83
<b>Ш.ИМОМОВ, Ж.КАЙПОВА, Н.ИМОМОВА.</b> Органик чиқиндиларга анаэроб ишлов бериш технологияси .....	63	<b>Р.АЛЛАЕВА.</b> Условия совершенствования использования земельных и водных ресурсов Республики Узбекистан .....	84
<b>Д.АБДУЛЛАЕВА, А.НИГМАТОВ.</b> Улучшение системы мониторинга и управление уровня воды в открытых водоемах .....	63	<b>Ғ.ДУСМУРАТОВ.</b> Давлат-хусусий шериклиги – қишлоқ хўжалигига хусусий инвестицияларни жалб этиш механизми .....	85
<b>З.АБДУЛЛАЕВ, Х.КАРИМОВА.</b> Математическая модель нахождения оптимального варианта развития производства фермерских хозяйств .....	65	<b>Ш.ИСМОНОВ, Б.УСПАНКУЛОВ.</b> Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий масалалари .....	87
<b>А.ДЖАЛИЛОВ.</b> Сув хўжалигида сув сарфи ва бьефлар сатҳи назоратининг автоматик тизими .....	66	<b>Ш.МУРОДОВ.</b> Боғдорчилик кластерлари шаклланишининг ташкилий-иқтисодий асослари ...	88
<b>А.ИСАКОВ, А.БЕРДЫШЕВ, Д.КОДИРОВ.</b> Электр усқуналар эксплуатацияси самарадорлигини такомиллаштириш .....	67	<b>Н.АБДУРАЗАКОВА, Т.ФАЙЗУЛЛАЕВА.</b> Сельское хозяйство Узбекистана и перспективы ее успешного развития в условиях глобализации ..	89
<b>Д.КОДИРОВ, А.ТУРСУНБОЕВА.</b> Микрогидроэлектростанцияни ўрнатиш учун объектни танлаб олиш ва сув оқими микдорини аниқлаш .....	68	<b>Наргиза ШИРИНОВА.</b> Техник-муҳандис талабаларга инглиз тили ўқитиш услублари .....	90
<b>С.МИРЗАЛИЕВ, К.ШАРИПОВ, А.ЛИ.</b> Программа электронного блока управления стенда уборочного аппарата .....	70	<b>Нилюфар ШИРИНОВА.</b> Инглиз тили дарсларида ихтисосий матн билан ишлашнинг афзалликлари .....	91
<b>А.ТУРДИБОЕВ, Д.АКБАРОВ.</b> Техник чигитдан пахта мой олишда энергетик самарадорликни оширишнинг электротехнологияси .....	71	<b>И.СМАНОВА.</b> Основные направления обеспечения продовольственной безопасности ....	93
<b>Ў.ХОЛИҚНАЗАРОВ, Ш.ЮСУПОВ.</b> Тут ипак курти гумбагини қуришда ионлашган иссиқлик агентини татбиқ этиш .....	72	<b>Ф.ШАФКАРОВ.</b> Агросаноат мажмуасида давлат-хусусий шерикчилиги .....	94
<b>А.УСМАНОВ.</b> Расширенный техпроцесс автоматизированной водоподготовки от подземных источников засоленной воды в Приаралье .....	74	<b>Ф.КИЛИЧЕВА.</b> Развитие речи студентов на занятиях русского языка с использованием инновационных технологий .....	96
<b>А.ЮСУБАЛИЕВ, О.ПИРИМОВ.</b> Уруғлик чигитларни касалликларга қарши электр майдонида зарарсизлантириш .....	75	<b>М.НОҚОБИЛОВ, В.МАХМУДОВ, А.ХОДЖАНОВ.</b> Современный подход к подготовке футболистов ТИИИМСХ .....	97
		<b>Л.КУДРАТОВА.</b> Динамика уровня физической подготовленности студентов тииимсх в процессе физического воспитания .....	98
		<b>Ш.ХОДЖИМУХАМЕДОВА.</b> Роль налогового менеджмента как показатель эффективности .....	99



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРИ

*The article analyzes the use of agricultural land on the basis of geoinformation system data, taking into account the natural and economic conditions of the country, and provides recommendations for eliminating existing deficiencies.*

Республикада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий ўринда турувчи фермер хўжаликларидан ерларни самарали ташкил этиш, айниқса, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этишда геоахборот маълумотлари ерларни самарали бошқаришни муҳим ва ишончли маълумотлар манбаи бўлиб қолмоқда. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболда қишлоқ хўжалигини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этилади. Улар нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, балки уларни чуқурроқ қайта ишлаш, аҳолига турли фаолият ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланиш мақсадга мувофиқ. Бу уларнинг молиявий барқарорлигини мустақамлаб рақобатдошлигини оширишга ёрдам беради [1].

Юқоридаги масалаларни ижобий ҳал қилишда, қишлоқ хўжалигини асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қатор тadbирлар билан бирга қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни ташкилий-ҳудудий такомиллаштириш, хусусан республикада худудларнинг табиий-иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигининг самарали ердан фойдаланиш шакллари яратиш ҳамда улар худудларини ички ташкилий масаларини ижобий ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Кўп ҳолатларда худудларнинг табиий-иқтисодий шароитлари у тўғрисидаги маълумотларни тўғри ташкил этилиши билан боғлиқ. Бугунги кунда буни амалга оширишнинг геоахборот технологиялари услуби жараёни тезлаштириш ва юқори натижадорлигини белгиламоқда. Жумладан, ернинг сунъий йўлдошлари маълумотлари худуднинг табиий-иқтисодий шарт-шароитларини асл манбаи бўлиб, худуднинг кадастр маълумотларини шакллантириш ва прогнозлашда ўзининг яхши самарасини кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ер фонди таркибидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустақил тоифани ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида улар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, асосий восита сифатида ҳаракат қилади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 43-моддасига кўра, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар деб “Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар тушунилади” [2].

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мамлакат ягона ер фондида майдон жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар Ўзбекистон Республикаси худудининг 50 фоизини эгаллаган бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий восита ҳисобланади ва мамлакат халқ хўжалигида алоҳида аҳамиятга эга [3].

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, бу ерлар қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 1-моддасида ер умуммиллий бойлик, халқимиз ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан

оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади деб таъкидлангандир. Қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш кўзда тутилган барча ерлар, халқ хўжалигини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ер ислоҳоти ва қишлоқ хўжалиги ислоҳоти талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги юритиш фаолияти билан шуғулланувчилар томонидан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланишни такомиллаштириш ҳақида сўз борганда албатта уларнинг назарий асосларини, яъни қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишнинг илмий моҳиятини тушуниш муҳимдир. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, бу ерлар қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар аввало, қишлоқ хўжалиги қорхоналарига берилади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгалланган ерларга ажралади. Маълумки, барча қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар кимнинг фойдаланишида бўлишидан қатъий назар, фойдаланиш мақсадлари ҳамда қонунда белгиланган ҳуқуқий ҳолатларига кўра маълум умумий ўхшашликка эга.

Қишлоқ хўжалигини асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қатор тadbирлар билан бирга қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни ташкилий-ҳудудий такомиллаштириш, хусусан, республикада худудларнинг табиий-иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигининг самарали ердан фойдаланиш шакллари яратиш ҳамда улар худудларини ички ташкилий масаларини ижобий ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Қишлоқ хўжалик ерларини ташкилий-ҳудудий жиҳатдан такомиллаштиришда албатта, биринчи галда, ер тузиш ишларини ўтказиш, жумладан, хўжаликлараро ва ички хўжалик ер тузиш ишларини доимий равишда, замонавий технологиялар асосида ўтказиш ҳамда уларни жорий этилишини назорат қилиш муҳим амалий аҳамиятга эга бўлади.

Ер тузиш ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг худудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тadbирлар тизимини ўз ичига олади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари бошқа туманлар ёки шаҳар ва посёлкалар худудига тегишли бўлган ҳолларда, уларнинг чегараларини ўзгартириш масалалари маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини жойнинг ўзида белгилаш тартибидан ҳал қилинади.



Ички хўжалик ер тузиш тури қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг худудини ички хўжалик негизда белгилаб олиб, барча қишлоқ хўжалик ерларини (пичанзорлар, яйловлар, боғлар, токзорлар ва бошқаларни) жойлаштиришни, тупроқ эрозиясига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишни, шунингдек, суғориладиган ерларни тўла реконструкциялашни ўз ичига олади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шунга айтиш мумкинки, мамлакатимизда мавжуд қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самардорлигини оширишда, аввало ушбу ерларнинг фойдаланиш йўналишлари тадқиқ қилиниши ва ҳозирги

қунда экин майдонларидан фойдаланишда ушбу ер майдонларидан илмий асосланган ҳолда маҳсулотлар етиштирилишини ўрганиш ва геоахборот тизими маълумотларидан кенг фойдаланиш, мавжуд имкониятлари ва табиий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда энг юқори самара олиш имкони мавжуд бўлган экин турларини танлаш ҳамда амалда ушбу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

**Ш. ИСМОНОВ,**  
ўқитувчи,

**Б. УСПАНКУЛОВ,**  
ассистент (ТИҚХММИ).

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси".
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
3. Аветбаев С. Волков С.Н. Ер тузиш иқтисоди (Дарслик). - Т.: Янги аср авлоди, 2002. - 290 б.

УЎТ: 338.43.(575.1)(043)

## БОҒДОРЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

*This article is devoted to problems originated to clusters of production, refinement and sale of fruit in Namangan region, negative influence of different factors effecting on formation of cluster enterprises in region.*

Кластерлар иқтисодий сиёсатнинг асосий инструменти бўлиб, қўшилган қиймат ва маълум бир худуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан комплекс фойдаланадиган иқтисодий категория сифатида намоён бўлади.

Кластерларнинг асосий элементларини Наманган вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, ушбу агросаноат корхоналарининг хомашёресурслар манбаларидан ва истеъмолчилардан узоқ масофада жойлашуви; АСМ корхоналарининг катта қисмининг турғун(депрессив) ҳолати; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларида асосан экстенсив ривожланиш усулидан фойдаланиши каби салбий жараёнларни камайтиришда қўл келади.

Ушбу кластерлар ёрдамидаги ривожланиш стратегияси ўз ичига: ресурслардан самарали фойдаланувчи корхоналарга йўналтириш, маблағларнинг асосиз сарфланишининг олидини олиш, худуднинг самарали АСМ корхоналарини аниқлаш ва уларни комплекс жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишончли хомашё манбаларига эга корхонлар, салоҳиятли карларни тайёрлаш ва қишлоқ хўжалигининг рентабел бизнес турларига йўналтириш; интеграция инструментларини агросаноатни ривожлантириш сиёсатида қўллаш, инвестициялар ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларига жорий қилиш кабилар кирази.

Айни вақтда Наманган вилоятида боғдорчилик кластерларини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бошқа объектив сабаблар ҳам мавжуд. Буларга мева ва резавор етиштирувчи хўжаликларнинг тарқоқлиги, боғдорчилик хўжаликларининг фаолиятининг мавсумийлиги, транспорт инфратузилмасининг етишмовчилиги ва мева ва резаворлар етиштирувчи хўжаликларнинг майдалиги ва жозибдорлигининг пастлигидир.

Таъкидлаш керакки, боғдорчилик кластерларининг аниқ бир варианты мавжуд эмас, сабаби унинг кўрилиши ва мазмуни географик жойлашувга, мева ва резаворларнинг турларига, транспорт инфратузилмаларига ва бошқа омилларга боғлиқ. Юқоридагилардан келиб чиқиб, боғдорчилик самарали ва рақобатбардор кластерининг шаклланиши ўз ичига қуйидаги 4 босқични олади:

1-босқич. Кластер шаклланиш шароитларини аниқлаш ва таҳлили.

2-босқич. Кластер тузилмасини шакллантириш механизмининг ишлаб чиқиш.

3-босқич. Кластернинг ташкилий-бошқарув тузилмасини шакллантириш.

4-босқич. Кластернинг ижтимоий-иқтисодий самардорлиги ва келгуси ривожланиш истиқболини баҳолаш.

Худудларда кластерларни жорий этиш ва ривожлантириш дастурлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларининг ўз маблағлари, банк кредитлари ва бошқа инвесторлар томонидан амалга оширилмоқда [2].

Ҳисобларга кўра, бундай дастурлар ёрдамида боғдорчиликка ихтисослашган хўжаликларда мева ва резаворларни етиштириш ҳажми 4–5 бараварга, аҳолининг мева ва резаворларни истеъмол даражаси ҳам киши бошига 12–14 кг. га ошди. Юқори ҳосилдорлик ўз навбатида қайта ишлаш корхоналарига барқарор мева ва резаворлар базасини яратиш имконини берди. Боғдорчиликка ихтисослашган барча турдаги хўжаликларда маҳсулот етиштириш 107 958 гектар майдонда шундан, 7 876 гектар асосий, 17 568 гектар боғ-ток қатор орасида, 21 509 гектар боғларда, 13 336 гектар токзорлар ва 69 660 гектар такрорий майдонларда экин ва бу майдонлардан 1 358 381 тонна мева, узум, сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва бошқа маҳсулотлар, бошқоқли дон экинларидан бўшган майдонларга такрорий экинлар экиб 646 649 тонна сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва бошқа экинлар етиштирилмоқда. Етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг 128 500 тоннаси қайта ишлашга, 99 500 тоннаси экспортга ҳамда 37 634 тоннаси Тошкент шаҳри ва бошқа жойларда ташкил қилинадиган ярмаркаларга, қолган 102415 тонна маҳсулот-